СУНЪИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тошкент – 2024 й

1. Сунъий сув ҳавзалари ташкил этиш

Тошкентда пляжлар 1990 йиллар охиридан камая бошлаб, 2017 йилда чўмилиш мумкин бўлган энг охирги жой ҳам ёпилди. Пойтахт олти йил чўмилишга рухсат берилган жойларсиз яшади (пуллик аквапарклар ҳисоб олмаганда) 2023 йил умумий хисобда иккита пляж очилди.

2022 йилги ёзги мавсум ёпилиши арафасида собиқ Комсомол кўли қолдиқлари ўрнида «Қумлик» пляжи очилди. Бу йил ёзда эса «Янги Ўзбекистон» паркида ҳам пляж очилди. У мустақиллик йилларида — сўнгги 32 йилда — пойтахтда қурилган дастлабки пляж бўлди. Иккала пляж ҳам пуллик.

Авваллари ёз кунларида Тошкентдаги Комсомол кўли (Алишер Навоий номидаги миллий боғ, ҳозирги Magic City), Бахт кўли (ҳозирги Lake City кўл шаҳарчаси қурилиш майдони), Волгоград кўли (Ғафур Ғулом номидаги боғ), шунингдек, Бобур (ҳозирги Дўстлик боғи) ва Тельман (Central Park) боғларидаги бепул пляжларда кўплаб чўмилувчиларни учратиш мумкин эди.

Бундан ташқари, ўтган асрнинг 80-йиллари охиригача кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида болалар учун бассейнларни учратиш мумкин эди. Бугун юқоридагилардан ҳеч бири қолмаган.

Чўмилиш жойларини барпо этиш амалиёти кўплаб шаҳарларда мавжуд. Қоида тариқасида, шаҳар пляжларида қутқарувчилар, душ ва ёрдам пунктлари жойлашган бўлади.

Тошкент шаҳар аҳолисига қулай манзилларда сунъий пляжлар яратиш зарурияти мавжуд. Биринчи навбатда, аҳолининг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, қўшимча иш ўринлари ва хизматлар турларини кенгайишига сабаб бўлади.

Лойиҳа ташаббуси сифатида давлат иштироки бўлиши билан биргаликда, хусусий тадбиркорлар хам жалб қилинади. Шаҳар худудида бир нечта шундай пляжлар ташкил этиш орқали бир неча минг фуқаролар иш билан таъминланади.

Жумладан, савдо, кўнгилочар ўйинлар хизматлари, енгил овқатланиш хизматлар, дам олиш инвентарларини ижарага бериш хизматлари ва бошқалар. [1]

Ушбу турдаги бизнеснинг афзалликлари:

• озчиликни ташкил этувчи йўналиш;

• паст рақобат ва баъзи ҳудудларда унинг тўлиқ йўқлиги;

• ноқулай иқтисодий тенденцияларга нисбатан лойиҳанинг нисбатан барқарорлиги, шунингдек концепцияни тез ўзгартириш имконияти;

• хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш орқали бизнесни кенгайтириш истиқболлари.

Шаҳар оқар сувлари бўйларида шунингдек, овқатланиш хизмати орқали ҳам қўшимча даромад олиш мумкин.

Хавф омиллари

Сунъий сув ҳавзалари – бу бозорда озчиликни ташкил этувчи йўналиш, шунинг учун тадбиркор кўплаб хавф-хатарларга дуч келади ва уларнинг энг хавфлиси жойни нотўғри танлашдир.

Бундан ташқари қуйидаги хавф омиллари мавжуд:

- мавсумийлик;
- хавфсизлик масалалари;
- экстремал об-ҳаво шароитлари.

Инвестиция қиймати

Сунъий сув хавзалари лойихасини амалга ошириш учун **750,0 млн.сўм** миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилмоқда.

млн.сўм

Инвестиция йўналиши	**сумма**
Рўйхатдан ўтиш, шу жумладан рухсатномалар олиш	20,0
Реклама	30,0
Қурилиш ишлари, асбоб-ускуна сотиб олиш, шу жумладан ускуналарни ўрнатиш	500,0
Хом-ашё сотиб олиш	40,0
Молиявий харажатлар	50,0
Бошқа харажатлар	100,0
Жами	**750,0**

Корхонани давлат реестридан ўтказиш, шу жумладан рухсатномалар олиш, ташқи реклама баннерларини ўрнатиш, қурилиш ишларини олиб бориш, асбоб-ускуна ва жихозларни ўрнатиш, хом-ашё сотиб олиш, молиявий ва бошқа харажатлар ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Лойиҳа истиқболли бўлганлиги сабабли, молиялалаштиришда банк кредитларидан фойдаланиш мумкин.

Хизмат сотиш бозорининг тавсифи

Сунъий сув ҳавзалари хизмат кўрсатишдан тушадиган тушумнинг таҳминан 60% ҳавзаларда чўмилишдан, 35% овқатланиш хизматларидан фойдаланиш ва 5% дан бошқа турдаги хизматлар орқали шаклланиши режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш таҳминий нархлари.

минг сўм

№	Хизмат тури	1 киши учун соатлик хизмат нархи	Фойдаланиш ўртача вақти (соат)	Кунлик фойдала-нувчилар сони	Ойлик тушум
1	Ҳавзаларда чўмилишдан	50	3	100	50*3*100*30 =450 000
2	Овқатланиш ва бошқа қўшимча хизматлар	50		40	50*40*30 = 60 000

Таркибий тузилма

Ходимлар сони 10 кишидан иборат бўлиб, мижозларнинг сони ва мавсумга қараб қўшимча ёлланма ишчилар жалб қилинади.

минг.сўм

№	Лавозим	Иш ҳақи	Сони	Сумма
1.	Директор менежер	10 000,0	1	10 000,0
2.	Ошпаз	5 000,0	3	15 000,0
3.	Официант-стюарт	5 000,0	4	20 000,0
4.	Фаррош	3 000,0	2	6 000,0
5.	**Жами**		**10**	**51 000,0**